*Холиқназар НИЁЗЗОДА*



# КЕЛАҚОЛГИН СОҒЛОМ *ЗУРРИЁТ*

**Холиқназар НИЁЗЗОДА**
**(ХОЛНИЁЗОВ)**

# КЕЛАҚОЛГИН, СОҒЛОМ ЗУРРИЁТ!

**шеърий гулдаста**
**ва шеърлар**

**«TAFAKKUR» НАШРИЁТИ**
ТОШКЕНТ—2010

Kitobxon.Com

Холиқназар Ниёззода (Холниёзов) шу вақтгача китобхонларига шу тўплам билан 8-шеърий асарини тақдим этмоқда. Шоир асарларида ўз ўқувчи-китобхонларига ўзининг табиатга шайдолигини, унинг инсон ҳаёти, соғликлари, тушунчаларига узвий боғлиқ бўлган таъсирларини тушунишни — ундан фойдаланиш, ўзлаштиришни, уларга ИНСОНДАЙ муносабатда бўлишни — теран ақл-идрокли, соғлом зурёдлар бўлишларини орзу қилади. Бу борада шоирнинг ҳиссаси катта ва у чиндан ҳам ҳақли: соғлом зурёд, соғлом инсон боисгина эзгу яхшилик тараннум этади. Инсоният, ҳар бир мамлакат, она-Ер гуллаб-яшнайди. Айнан Сиз шоир орзу қилган қаҳрамонларга айланасиз, деган умиддамиз, азиз китобхонлар!

ISBN 978-9943-372-73-3

© Холиқназар НИЁЗЗОДА (ХОЛНИЁЗОВ)
©«TAFAKKUR NASHRIYOTI»

Kitobxon.Com

# ҲУР ВАТАННИНГ ҲУР БОЙЧЕЧАКЛАРИ

**(Шеърий гулдаста. Мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган фарзандларимизга бағишланади)**

Қиш фасли ҳали ўтмасдан,
Заҳари тўлиқ кетмасдан,
Муз-қорлари эримасдан,
Тош-тупроқлар исимасдан, —
Зулмат битмасдан тўлиқ,
Баҳор етмасдан тўлиқ,
Ҳали қалдирғочлар келмай,
Турналар кўкларда учмай,
Шошилибсиз Бойчечаклар:
Очилибсиз Бойчечаклар!..
Кўб ғайрат-шижоат айлаб
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!..
Озод бўлган ота-юртга
Хуш келибсиз Бойчечаклар!..

Бу ҳур мамлакатимизни
Кўрайлик, — деб келдингизми?!
Тоғларида ўйнаб-кулиб,
Яйрайлик, — деб келдингизми?!
Унинг меҳру дийдорига
Тўяйлик, — деб келдингизми?!
Тўйларида қувнаб-яйраб,
Ўйнайлик, — деб келдингизми?!



Kitobxon.Com

Озодлигини мадҳ айлаб,
Куйлайлик, — деб келдингизми?!
Кўп ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!..
Мустақил бобо-Ватанга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!..

Баҳорни бошлаб келибсиз,
Қутлуғ бўлсин баҳорингиз!
Сизлар унган Диёр асли
Азим аждод Диёрингиз! —
Аждодларингиздан қолган
Табаррук ифтихорингиз!
Унга содиқ фарзанд бўлиш —
Буюк бурчу қарорингиз!
Бу шарафли йўлингизда
Доим келсин бароringиз.
Кўб ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз Бойчечаклар!
Озод бўлган Аждод-Юртга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!

Сизлар унган бу Ер асли
Буюк Туронистон эрур!
Унинг соғлом тўрт мучасин
Бириси Туркистон эрур!
Бунга обод бағри туташ
Гўзал Ўзбекистон эрур! —
Шундай улуғ мамлакатга
Сочилгансиз, Бойчечаклар!
Ҳар бир қиру тоғларида
Очилгансиз, Бойчечаклар! —
Кўб ғайрат-шижоат айлаб
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!..



Kitobxon.Com

Бу озод Туронистонга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!
Шу боис ҳам томирингиз
Бир Ватанга туташ эрур!
Аждод-авлодингиз азал —
Азаллардан қардош эрур!
Шунинг учун гўзал ҳусну —
Жамолингиз ўхшаш эрур!
Урфу одат, аҳд-орзулар
Бир-бирига туташ эрур!
Буюк Туркистонимизнинг
Сиз азиз Бойчечаклари!
Азиз Ўзбекистонимизнинг
Азиз Бойчечаклари!
Кўб ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!
Озод бўлган Туркистонга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!

Қаерларда унсангиз ҳам
Ҳусну жамолингиз — ўхшаш!
Эрам боғларин гиёҳи —
Кўрку рухсорингиз — ўхшаш!
Аждодлар мероси боис
Аҳду паймонингиз — ўхшаш!
Келинг энди бирлашингиз,
Эй, Турон Бойчечаклари!
Қониб-қониб сирлашингиз,
Туркистон Бойчечаклари!
Кўп ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!
Озод бўл Ўзбекистонга
Хуш келибсиз Бойчечаклар!



Kitobxon.Com

Бу шарафли мустақиллик
Даврда энди дўстлашингиз!
Аждод-авлодлар руҳин шод —
Этиб тез-тез эслашингиз!
Энди туркий тилингизда
Ширин-ширин сўйлашингиз!
Оға-ини-биродарлик
Иқболларин ўйлашингиз!
Бу шарафли, мушкул йўлда
Бир-бирларни қўллашингиз!
Кўб ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз Бойчечаклар!
Озод Аждодлар юртига
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!

Озод Ватаннинг ҳуснига
Ярашибсиз, Бойчечаклар! —
Азим орзуларингизга
Эришибсиз, Бойчечаклар!
Энди Ватан қучоғида
Бор бўлинглар, Бойчечаклар!
Орзуларга етиб бахти
Ёр бўлинглар, Бойчечаклар!
Холиқназар қалбида
ифтихор бўлинг Бойчечаклар!
Энди миллий қадрларга
Етишгайсиз, Бойчечаклар!
Ватанда орзуингизга
Эришгайсиз, Бойчечаклар!

Бойчечаклар!..
Ғолиб юртнинг
Сиз азиз навқиронлари!..
Озод давлатимизнинг
Бўлажак соҳибқиронлари!..



Kitobxon.Com

Шонли улуғ Соҳибқирон
Амир Темурдир зотингиз!
Руҳан, маънан кучли, бойсиз —
Шундан Бойчечак отингиз!
Шундан илигингиз ёққа —
Тўлиқ, кучли, пурвиқорсиз! —
Муз, тошни ёриб унасиз
Шунинг-чун ҳам ҳар баҳорсиз!
Кўб ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!..
Озод бўлган Аждод юртга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!..

Шундай озод, обод Ватанни
Яна ҳам обод этинг!
Уни барпо этган улуғ
Доҳиймизни ҳам шод этинг!
У кишидай сизлар ҳам
доимо мақсадларга етинг!
Кўб ғайрат-шижоат айлаб,
Жўш урибсиз, Бойчечаклар!..
Озод бўлган Аждод юртга
Хуш келибсиз, Бойчечаклар!..

Бу мустақил юртингизда
Доим баҳор, Наврўз бўлсин!
Ватанингиз Туронистон
Дунёларга кўз-кўз бўлсин!
Хуш келибсиз азизларим,
қадамингизга ҳасанот!
Мустақиллик ила бирга
туғилган эй, соғлом зурёд!

*11 ноябрь, 1992 йил*



Kitobxon.Com

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/1040 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/1040 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/1040